



**Барчиной ҲАМРАҚУЛОВА**

ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

## **ИСПАН ТИЛИДА ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗ ҚИЛИШНИ ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ**

Мақолада испан тилини замонавий мультимедиа воситалари орқали ўқитишнинг самарадорлиги ҳақида сўз боради. Унда, асосан, испан тили талаффузини ўргатишда қўлланиладиган анъанавий ва электрон дарсликлардаги фарқлар очиб берилган. Электрон дарсликларнинг қулайликлари батафсил ёритилган. Бундан мақсад – испан тилини ўрганувчи талабаларга тўғри талаффузнинг қулай ва осон йўлларини ўргатишдир.

В статье идет речь об эффективности обучения испанскому языку по новым мультимедийным технологиям. В ней освещаются методы изучения испанского языка (интерактивный) и описываются различия между традиционными и электронным учебниками. В статье аргументируется удобство использования электронных учебников для развития испанского произношения и более эффективного обучения испанскому языку.

It was pointed out that teaching Spanish language by the means of multimedia is efficient. Furthermore, teaching how to read was specifically concentrated. As well as that, the differences between traditional and e-books were illustrated in this article. The convenience of e-books was researched with details. The purpose of this is to show convenient and effective ways of improving Spanish pronunciation of the students who are learning Spanish language.

**Калит сўзлар:** электрон дарслик, талаффуз, талаба, урғу, билим, товуш, сўз.

**Ключевые слова:** электронный учебник, произношение, студент, ударение, навыки, звук, слово.

**Key words:** e-book, pronunciation, student, stress, skills, phoneme, word.

Тил ўз табиатиғи кўра ниҳоятда мураккаб ҳодиса бўлиб, уни ўрганишда турли методлар қўлланилади. Фаннинг тараққиёти, унда янгидан-янги тармоқларнинг вужудга келиши тилни ўрганадиган методлар доирасининг

кенгайишини ва такомиллашиб боришини тақозо қилади(1, 13-б.). Ҳозирги кунда ёшлар илм-фан ва техника ривожланган асрда яшамокдалар. Ўтган асрлардан фарқли улароқ ҳозирги ҳаётимизга янгича алоқа усуллари компьютер, янги техникалар ва бошқа янги қулайликлар кириб келган. Шундай экан бизнинг ҳозирги ёшларимиз чуқур ва мукамал билимли, ўта зеҳнли, инсонпарвар ўз касбининг моҳир устаси, ҳар томонлама етук ва комил инсон бўлиши лозим. Инсон ҳар томонлама баркамол бўлиши учун чет тилини пухта билиши керак. Маълумки, ҳар бир тилни ўрганиш учун шу тилнинг тўғри талаффузини ўрганиш талаб қилинади(2,43-б). Тилни пухта ўрганиш учун шу тилдаги ҳар-бир сўзни тўғри талаффуз қилиш муҳимдир. Испан тилининг тўғри талаффузини фонетика бўлими ўргатади.

Фонетика испан тилининг бир бўлими бўлиб тил ўрганишда аҳамиятлидир. Фонетикаҳар бир сўзнинг, товушнинг тўғри талаффуз қилиш қонун-қоидалари, товушларни талаффуз қилишдаги нутқ органларининг ҳаракатини батафсил ўргатади.

Масалан испан тилида [θ] – товуши ёзувда қуйидагича белгиланади **Zz**, ўқилиши эса турлича:

[θ] - **a, o, u** унлиларидан олдин ва сўзнинг охирида – **Zz**: *azúcar, lápiz*.

[θ]- **e, i** унлиларидан олдин: **Cc**: *cine, hacer*.

Z ҳарфи билан тугаган отлар ва сифатларнинг кўплик формасини яшашда “**Zz**” ҳарфи “**Cc**” ҳарфига ўзгаради: *lápiz – lápices; voz – voces*(2,174–б).

Ҳарфларнинг ўрнигақараб турлича талаффуз қилинганлиги сабабли тўғри ўқилишини яъни талаффузини ёдлаб қолиш лозим. Масалан: *caza, Azuzena, “La Paz”,cocina*.

Тўғри талаффузни ўргатиш усуллари:

1. Лингафон ўқув хоналари ташкил этиш ва бу хоналардан тўғри фойдаланиш. Магнитофонга ёзилган текстни қайта-қайта эшитиб тўғри талаффузни ёдда сақлаб қолиш.

2. Испан тилини мукамал биладиган шахс билан юзма-юз мулоқот қилиш ва жонли нутқни тинглаш. Инсон жонли нутқни эшитганда тилнинг тўғри талаффузини ўрганишга ёрдам беради.

3. Испан тилининг тўғри талаффузини ўрганиш учун кўпроқ ўша тилда мулоқот қилиш, гаплашиш керак.

4. Испан тилидаги фильмларни кўриш ҳам шу тилнинг тўғри талаффузини ўрганишга яқиндан ёрдам беради.

5. Испан тилидаги шеър ва ашулаларни кўпроқ диққат билан тинглаш.

6. Испан тили дарсларида кўпроқ диктант ёзиш.

7. Ҳар бир сўзни талаффуз қилиш учун мустақил ишлаш.

Испан тилининг тўғри талаффузи ўзига ҳослиги билан фарқланади. Чунки испан тилида ёзилган ҳарфнинг ҳаммаси ҳам талаффуз қилинмаслиги ёки аксинча унинг ўрнида бошқа товуш талаффуз қилиниши ҳам мумкин:

Ёзилиши	Ўқилиши
un vaso	[um baso]
un museo	[um museo]
cena	[øena]
cocina	[koøina]
muchacho	[mučačo]
aquí	[aki]
seguir	[segir]

Испан тилининг талаффузи мураккаблиги учун кўпроқ мустақил матнлар, шеърлар ва диалоглар ўқиш керак. Агар сўз тўғри талаффуз қилинмаса тингловчига тушунарли бўлмаслиги мумкин. Жамият ривожлангани сари чет тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Чет тилининг тўғри талаффузини ўрганиш тилни мукамал ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди.

Сўнгги йилларда фан ва техника ривожланиб бориши натижасида илм-фан соҳасида ҳам улкан ўзгаришларга эришилмоқда. Техника ривожланиб боргани сари таълим соҳаларида ҳам ахборот технологияларидан фойдаланишга катта аҳамият қаратилмоқда. Асосан чет тилини ўргатиш жараёнида турли хил техник воситалар (мультимедиялар, аудио-видео воситалар, сўнгги русумдаги компьютерлар)дан унумли фойдаланилмоқда. Шулар қаторида масофавий таълим, яъни электрон дарсликлар яратилмоқда ва илм –фан соҳасига тадбиқ этилмоқда.

Анъанавий дарс жараёнида ўқитувчи мунтазам равишда талаба билан амалий машғулотлар олиб боради. Амалий машғулотлар давомида ўқитувчи ҳар бир талаба билан шуғулланишдаги вақти чегараланган. Чунки белгиланган амалий дарс жараёнида ўқитувчи уй вазифасини текшириши, янги мавзунини тушунтириш ва тўғри талаффуз қилиш ҳамда тўғри талаффузни мустаҳкамлаш учун берилган машқларни бажариши учун етарлича вақт сарфлайди. Бунинг натижасида ҳар-бир талаба билан индивидуал шуғулланиш учун вақт етмайди. Ноанъанавий бўлган электрон дарсликлардан фойдаланиш жараёни тилларнинг талаффузини ўргатишда энг қулайи ҳисобланади ва кўпроқ амалий машқлардан фойдаланилади. Масалан талаба ўқитувчи ёрдамсиз мустақил равишда мавзунини ўқиш, тинглаб тушуниш, талаффузни мустаҳкамлаш учун берилган

машқларни бажариш учун етарлича вақтга эга бўлади. Натижада ҳар бир талаба билан индивидуал шуғулланишдаги сарфланадиган вақт тежаллади. Бундан ташқари белгиланган машқни бир-неча марта бажариш имкониятига эга. Машқни қайта-қайта бажариш натижасида талаба ўз билимини ошириб боради ва энг асосийси талаба ўз билимига яраша баҳоланади. Электрон дарсликда мавзунини мукамал ўзлаштириш учун қоидалар, маслаҳатлар ва тест тўпламлари киритилган. Талаба вазифани нотўғри бажарган ҳолда уни қайта-қайта бажариб, хатосини тўғрилаш имкониятига ҳам эга.

Қуйида сизга электрон дарслик орқали испан тилидаги **C** ва **Z** ҳарфларининг талаффузини ўргатувчи қоида ва машқлардан намуналар келтирамыз. Улар компьютерга киритиш шаклида кўрсатилади.

### Start

<p><font color=violet size=4><b>Leccion 2

<div align="justify"><font color=blue size=3><b>El fonema [[θ]]</b>

- consonante interdental, sordo. Los labios están un poco alargados. Aparece una rendija ancha entre los dientes. <b>

Fonema [[θ]] </b>se representa por medio de dos letras: C y Z. Se emplea la C cuando sigue una vocal<font color=red><b>e </b></font> <font color=red><b>i:</b></font>( cesto, cien) y la z cuando sigue una vocal<font color=red><b>a,o,u, </b></font>(zanahoria, rezo, azúcar), cuando va en final de palabra (pez, luz).

<b>La letra Cc</b> ante las vocales <font color=red><b>a,o,u </b></font>se lee como [k] cama, como, cuna;

Nota: Las palabras terminadas en “z”, en plural cambia <font color=red>z </font>en <font color=red>c</font>. *Lápiz – lápices, voz – voces.</div>*

<b> Fonema [[s]]</b>

<div align=center>[picture=Fon.2.Ej.2.JPG]

<div align=left><b>La letra Ss</b> – consonante alveolar sorda. La punta de la lengua se sube hacia los alveolos superiores. Aparece una rendija. Los partes laterales tocan las bordes de los dientes superiores. Al final de la palabra se pronuncia muy débil.

<b>Fonema [[s]]</b> se representa generalmente por medio de la letra S; pero cuando va ante otro consonante a veces esta representado por la letra x.

<font color=red>Soso, sano, clase, paso, saco, osos.</font>

### Ejercicio 1

<font color=blakred size=5><b>Escriba en transcripción <font color=green size=4>“zapatos”

#\*<font color=blue size=3> [[əpátos]]

#<font color=blue size=3> [[sápatos]]

#<font color=blue size=3> [[zapatós]]

### **Ejercicio 2**

<font color=blakred size=5><b>Escriba en transcripción <font color=green size=4>"salas"

#\*<font color=blue size=3> [[sálas]]

#<font color=blue size=3> [[zálaz]]

#<font color=blue size=3> [[cálac]] (4,208-б)

Талаба талаффуз қилиши учун урғу, ритм ва оҳангни яхши билиши керак чунки уларсўзнинг маъно ва мазмунига таъсир қилади. Электрон дарсликларнинг қулайлик томонлари кўп. Электрон дарсликлар ёрдамида ўқитиш ананавий таълим жараёнидан бутунлай фарқ қилиб, кўпгина афзалликларни ўз ичига олади.

Юқоридаги талаффузга таъсир қилувчи урғу, ритм ва оҳанг ҳамда бошқа имкониятларга электрон дарсликда алоҳида тўхтаб ўтилган. Электрон дарслик талабанинг фаоллигини оширади, ўз кучи ва билимига ишониш хиссини кучайтиради.

Таъкидлаб ўтишимиз жоизки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши ёшларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ирисқўлов М.Т. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, 2009. – 258 б.
2. Олтиев Т. Ж. Испан тили амалий грамматикаси. – Тошкент, 2007. – 189 б.
3. Виноградов В.С. Грамматика испанского языка. – Москва: Высшая школа, 1978. – 380 б.
4. Ачилова З.П., Ҳамрақулова Б.А. Испан тили электрон дарслиги. – Тошкент, 2011. – 390 б.